

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТАЪЛИМ ОЛИШ ХУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Шокирова Дилноза Баҳодир қизи

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети Юриспруденция: Бизнес ҳуқуқи
йўналиши 2-босқич талабаси

эл.почта: shokirovadilnoza484@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада конституциявий ҳуқуқлардан бири бўлган таълим олиш ҳуқуқининг вояга етмаган шахсларнинг амалга оширишининг ҳуқуқий асослари келтирилган. Бундан ташқари асосий қонунимизда келтирилган ҳуқуқий нормалар ҳам акс эттирилган.

***Калим сўзлар:** камситилиш, кафолат, ватанпарварлик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғулари, давлат сиёсати, психологик-тиббий-педагогик комиссия, аккредитация, ихтисослаштирилган таълим муассасалари.*

ABSTRACT

This article presents the legal basis for the implementation of the right to education, which is one of the constitutional rights, by minors. In addition, the legal norms contained in our basic law are also reflected.

***Keywords:** discrimination, guarantees, patriotism, tolerance and peace-loving feelings, state policy, psychological-medical-pedagogical commission, accreditation, specialized educational institutions.*

Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;
- боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш;
- боланинг камситилишига йўл қўймаслик;
- боланинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш;
- болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш;
- бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

- бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш;

- болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш;

- бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

- болаларда ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш;

- болани Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш;

- боланинг шахсини, унинг илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш;

- болалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

- болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш;

- бола ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва нодавлат ноtijорат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик қилиш;

- бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

- болаларнинг ижтимоий кўникмасига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ратификация қилинган дастлабки халқаро ҳужжатлардан бири бу “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция эканлиги ҳам бежиз эмас. Бу болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёшларга оид сиёсат давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси биринчи қисмида: Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Унга кўра, ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида: Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим давлат томониан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратида деб белгилаб қўйилган.

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинди.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- таълим дастурларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.
- Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон ҳудудида қанча вақт яшаганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Билим олиш ҳуқуқи:

- давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;
- ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;
- таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-хунар ўргатиш;
- барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;
- оилада ёки ўзи мустақил равишда таълим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакиллариининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. [1]

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек узоқ

вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Болалар ва ўсмирларни ушбу таълим муассасаларига юбориш ва улардан чиқариш ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосасига биноан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқувчилари қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлади.

Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар.

Биринчи Президентимиз таъкидлаганларидек: Такрор айтишга тўғри келади – таълим соҳасида замонавий компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришнинг аҳамиятини чуқуқр англаб олишимиз лозим. [2]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 10 ноябрдаги “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари, жамғармани ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши таълим муассасаларининг моддий-техник ҳолатини янада яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишларни кўламини кенгайтишида муҳим аҳамият касб этди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, мустақилликнинг илк кунларидан вояга етмаган шахсларнинг манфаатларини ифода этиш, уларнинг таълим олиш билан боғлиқ ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлаш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қарала бошланди. Вояга етмаган шахсларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқлари билан боғлиқ қонунчилик такомиллаштирилиб борилди ва бу жараён бугунги кунда ҳам изчиллик билан давом этиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи”. Халқ сўзи // 2009 йил декабр